

Фикҳ дарслари (161-дарс) Қуръондан муяссар бўлганича қироат қилинг!



19:00 / 25.11.2021 2925

Фарзнинг икки рақъатининг ҳар бирида ҳамда витр ва нафлнинг ҳар бир рақъатида бир оят қироат қилиш — ушбу жумлада келган маъно қироатнинг энг оз миқдорини билдиради. Фарз намози икки, уч ва тўрт ракатли бўлиши маълум. Уларнинг ҳаммасининг биринчи ва иккинчи ракатларида қироат фарз. Витр ва нафл намозларининг барча ракатларида қироат фарз, чунки аслида нафл намози икки ракатли бўлади. Агар ундан ортиқ бўлса ҳам, ҳар икки ракат ўзига хос намоз ҳисобланади. Витр намози қироат бобида нафл намозга қўшилган.

Ўша бир оят билан кифояланган гуноҳкордир.

Яъни, бир оят қироат қилиб, ўша билан кифояланиб, бошқа қироат қилмаган одам Фотиҳани ўқимагани учун тарки вожиб қилиши ила гуноҳкор бўлади. Аммо намози намоз бўлаверади.

Икковларининг наздида бир узун ёки уч қисқа оят қироат қилиш.

Имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммаднинг бу гаплари амал учун қабул бўлган.

Намозда Қуръондан қироат қилиш фарзлигига далиллар:

Аллоҳ таоло Муззаммил сурасида:

Имом Муслим ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам, доимо, ҳар бир намозда қироат қилганлар.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди